

2021 йилда Ўзбекистонда Ислом тараққиёт банки бошқарувчилари кенгашининг йиллик анжумани ўтказилади



20:05 / 03.02.2021 2077

2021 йилда Ўзбекистонда Ислом тараққиёт банки (ИТБ) бошқарувчилари кенгаши йиллик анжумани ўтказилади. Бу ҳақда kun.uz сайти хабар берди. Бу 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида алоҳида вазифа сифатида белгилаб қўйилган.

«Тараққиёт стратегияси» марказининг бош мутахассиси Фаррух Ҳакимовнинг маълум қилишича, 2021 йилга мўлжалланган давлат дастурини амалга оширишга оид президент фармони билан дастур

дастлабки лойиҳасида назарда тутилган хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, шунингдек, ўзаро фойдали ва конструктив ташқи сиёсатни амалга оширишга оид бешинчи йўналишга бир қатор ўзгартиришлар киритилган.

Хусусан, 18-27 январь кунлари умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинган давлат дастурининг бешинчи йўналишдаги Ўзбекистоннинг шахсга доир маълумотлар соҳасидаги қонунчилигини такомиллаштиришни назарда тутувчи банди ҳамда парламентлараро дипломатияни, шу жумладан минтақавий ва халқаро ташкилотлар (ШХТ, ТТДХК, МДХ, ЕХХТ ва бошқалар) доирасида ҳамда қўшни давлатлар билан изчил ривожлантиришга қаратилган банд чиқариб ташланган. Бу бандлар ўрнига Ислон тараққиёт банки (ИТБ) бошқарувчилари кенгаши йиллик анжуманини 2021 йил Ўзбекистонда ўтказиш ва унга тайёргарлик кўриш вазифалари киритилган.